

Маккада Каъба дарвозаси таъмирланди



16:10 / 08.09.2021 2119

Икки муқаддас масжид бош бошқармаси Каъба дарвозаси ва Қора тош (Ҳажар ал-Асвад) атрофидаги кумуш рамкани таъмирлашни якунлади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар берди.

Президент ёрдамчиси вазифасини бажарувчи доктор Саад бин Муҳаммад ал-Мҳеимиднинг айтишича, расмийлар турли давлат идоралари билан келишган ҳолда мусулмонларнинг асосий зиёратгоҳи билан боғлиқ барча ишларни назорат қилган.

Август ойида Макка губернатори шаҳзода Холид ал-Файсал муқаддас Каъбани ювди. Маросимда Макка губернатори ўринбосари шаҳзода Бадр бин Султон бин Абдулазиз ва Ҳаж ва Умра вазири вазифасини бажарувчи доктор Иссам бин Саад бин Саид қатнашди. Шаҳзода Холид муқаддас Каъбанинг ички қисмини замзам ва атиргул суви аралашмаси билан ювиб,

коронавирус тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрди.